



Ўзбекистонда ёқилғи-мойлаш махсулотлари контрабанда ҳисобига таъминланмоқда

Қирғизистоннинг Боткен вилояти Қадамжой тумани аҳолиси ёқилғи-мойлаш махсулотларининг контрабанда йўли билан Ўзбекистонга олиб чиқиб кетилишидан газабда, деб ёзади kginform.com.

Нашрнинг ёзишича Қадамжой тумани маҳаллий аҳолиси ёқилғи-мойлаш махсулотларининг кўшни давлат ҳудудига Қирғизистоннинг «Қадамжой» ва Ўзбекистоннинг «Водил» чегара назорат пунктлари орқали олиб чиқиб кетилмоқда.

«Иккала чегара назорат пунктлари орасидаги нейтрал ҳудудда ўзбек давлат рақамига эга юк машиналари саф тортган. Улар Қадамжой туманидан ёқилғи-мойлаш махсулотларини олиб чиқиб Ўзбекистон ҳудудидаги бошқа юк машиналарига куйишади. Мазкур ҳолат маҳаллий ҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг назоратидан четда қолмоқда», — деб ёзади нашр. Хабарда таъкидланишича, кунига тонналаб ёқилғи-мойлаш махсулотларининг Ўзбекистонга олиб чиқиб кетилиши Қирғизистонда ушбу махсулотлар нархининг ошиб боришига олиб келмоқда.

Эслатиб ўтамик, ўтган ой бошида «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси республикада ёқилғи махсулотлари билан боғлиқ ҳеч қандай муаммо йўқлигини даъво қилганди.

«Республикамикзда халқаро стандартларга жавоб берувчи ёқилғи-мойлаш махсулотларининг барча турлари узлуксиз ишлаб чиқарилмоқда», — дейилганди «Ўзнефтмахсулот» мурожаатида.

Бирок, ҳар йили Ўзбекистонда пахта мавсуми бошланган пайтда бензин ва дизел ёқилғилари ҳосилни йиғиб териб олишга сафабар этилиши натижасида куз ойларида тақчиллик пайдо бўлиши одатий ҳолга айланган.

УХХ ахборот бўлими



Ислом Каримов: «Ҳаммани биз билан ҳисоблашишга мажбур қилдик»

Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган ва 31 август куни Тошкентда ўтказилган тантаналарда нутқ сўзлаган президент Ислом Каримов: «Бугунга келиб биз ҳаммани ўзимиз билан ҳисоблашишга мажбур қилдик», — деди. Унинг айтишича, «илгарилари Ўзбекистонга хайрихоҳ бўлмаган баъзи давлат ва халқаро ташкилотлар ҳам эндиликда республика раҳбарияти олиб борган ва осойишталикни сақлашга қаратилган сиёсати тўғрилигини тан олишган».

«Тинчлик ва осойишталикни сақлашга қаратилган сиёсатимиз бошқа муаммолардан устун эканлигига, тинчлик каби неъматнинг олдида бошқа муаммолар арзимас эканлигини улар ҳам тушуниб етишди», — деди жумладан Ислом Каримов.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон президенти «бошқа муаммолар» деганда нималарни назарда тутаётганини очиқламади. Баъзиларнинг фикрига кўра, бу сўз бирикмаси остида Каримов республикада мунтазам бузилиб келаётган инсон ҳуқуқлари муаммоларини ва ижтимоий-иқтисодий нуқсонларни назарда тутган бўлиши мумкин.

Ушбу чиқишида Ислом Каримов, Украинадаги вазият бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг расмий позициясини яна бир марта маълум қилди.

«Биз мамлакатлар ўртасидаги ҳар қандай муаммолар фақат сиёсий йўллар билан ҳал қилиниши тарафдоримиз. Бундан ташқари, ҳар бир мамлакатнинг чегаралари дахлсиз ва ҳудудлари бўлинмас эканлигини, ҳеч бир давлат бошқа давлатга ҳарбий ҳуруж қилишга ҳаққи йўқлигини эътироф этамик», — деди И. Каримов.

Байрам тантаналарида иштирок қилган Ислом Каримов ҳар галгидек рақсга тушиб, байрамда иштирок қилган томошабинлар ва санъаткорлар билан кўришиб чиқди. Кечаги учрашувлари чоғида президент Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, Озодбек Назарбеков, Муяссар Раззокова каби санъаткорлар билан алоҳида суҳбатлашди.

Бундан ташқари, президент Каримов ўзбекистонликлар орасида «лифт қаҳрамонаси» дея эътироф этиладиган кўшиқчи Зулайхо Бойхонова билан ўпишишга ҳам улгурди.

УХХ ахборот бўлими


Ислом Каримов 4 сентябрь куни «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни имзолади.

Қонун 2014 йилнинг 23 август куни Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 2014 йил 28 августда Сенат томонидан маъқулланган. Қонуннинг расмий матни «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинди. Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритилди. Ушбу қўшимчалар сайловлар ва референдумларни ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси тўққизта моддадан иборат бўлган янги VI «Сайловлар ва референдумларни ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланувчи боб билан тўлдирилди.

Эндиликда, кодекснинг 512-моддасига кўра, Марказий сайлов комиссияси, сайлов комиссиялари, референдум ўтказиш бўйича комиссия фаолиятига халақит қилиш, шу жумладан, уларнинг фаолиятига тўсиқ яратиш мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ўн беш баробаригача жарима жазоси белгиланади.

Марказий сайлов комиссияси, сайлов комиссиялари, референдум ўтказиш бўйича комиссия қарорларини бажармаслик, шу жумладан, уларнинг



Ўзбекистон: Сайловларда «қора пиар» учун жавобгарлик киритилди

муружаатларини кўриб чиқишни ноқонуний тарзда рад қилиш, узрли сабабларсиз уларни ўз вақтида кўриб чикмаганлик учун — мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг уч баробаридан етти баробаригача жарима жазоси белгиланади (513-модда).

Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакили ҳуқуқларининг бузилганлиги учун — мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш баробаридан етти баробаригача жарима жазоси белгиланади (514-модда).

Номзод, ишончли вакил, кузатувчи, сиёсий партия ваколатли вакили ва мансабдор шахслар томонидан сайлов олди тарғиботи, референдумга қўйилган масала

бўйича тарғибод олиб бориш шартлари ва тартибини бузганлик учун энг кам иш ҳақининг беш баробаридан етти баробаригача жарима жазоси белгиланади (515-модда).

С а й л о в натижаларига таъсир қилиш мақсадида номзод, сиёсий партиялар ҳақида ёлғон маълумотларни

нашр қилиш ва ҳар қандай усулда тарқатганлик учун — мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ўн баробаригача жарима жазоси белгиланади (516-модда).

Сайловлар ва референдумларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш мобайнида бинолар, иншоотлар ёки бошқа жойларда чиқарилган тарғибот материалларининг қасддан йўқ қилиниши ёки уларга зарар келтирганлик учун энг кам иш ҳақининг уч баробаридан етти баробаригача жарима жазоси белгиланади (517-модда).

Сайловлар ва референдумларни молиялаштириш тартибини бузганлик учун фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш баробаридан етти баробаригача, мансабдор шахсларга нисбатан эса энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан йигирма баробаригача жарима жазоси белгиланади (518-модда).

Ижтимоий фикр натижаларини эълон қилиш, сайловлар ёки референдумлар натижаларини проғноз қилиш ҳамда сайловлар ёки референдумлар билан боғлиқ бошқа таҳлилларни амалга ошириш тартибини бузганлик учун — мансабдор шахсларга нисбатан эса энг кам иш ҳақининг ўн беш баробаридан йигирма баробаригача жарима жазоси белгиланади (519-модда).

ЎХХ ахборот бўлими





Рамзон Қодиров “Ислом давлати” жангариларини йўқ қилишга ваъда берди

Чеченистон раҳбари Рамзон Қодиров Шимолий Кавказга юриш бошлаш билан таҳдид қилган “Ислом давлати” жангариларини йўқ қилишга ваъда берди, деб хабар берди РИА Новости.

3 сентябрь куни “Ал-Арабия” телеканали “Ислом давлати” гуруҳи жиҳодчиларининг Чеченистон ва Кавказда уруш бошламоқчи эканликлари ҳақидаги видеолавҳани эълон қилганди. Видеолавҳага русча субтитрлар илова қилинган.

“Мен бутун масъулият билан шуни маълум қиламанки, Россияга таҳдид қилиш ва мамлакатимиз президенти Владимир Путиннинг номини тилга олиш кимнинг ақлига келган бўлса у ўша жойнинг ўзида йўқ қилинади. Биз унинг самолёт штурвалига жойлашини кутиб ўтирмаймиз. У ўз террорчи биродарлари бўлган Хаттоб, Абу Валид ва бошқа Ғарбнинг элчилари ёнига дўзахда ёниш учун жўнатилади”, — дейди Қодиров ўзининг Facebook тармоғидаги саҳифасида.

“Биз уларнинг кучи ўн мингдан ортиқ вақтда ҳам Чеченистондан бутунлай йўқ қилиб ташлаганмиз, энди эса Россия ҳисобланадиган Чеченистонга назар ташлаганларини ҳам йўқ қиламиз”, — дея қўшимча қилади у.



Чеченистон раҳбарининг сўзларига кўра, ўзларини “Ислом давлати” деб аташаётган Ироқ ва Суриядаги террорчилар фақат уларга “Ғарбдаги хўжайинлари” ургатаётган нарсаларни гапиришади. “бубандитлар ўларнинг қўллари билан табиий бойликларга бой ислом давлатларини йўқ қилиш мақсадида АҚШ ва Ғарб тарафидан тайёрланган ва қуроллантирилган. Улар Қуръон ва Сунна ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслар”, — деб ҳисоблайди Чеченистон раҳбари.

UZBEK.FM

Атамбаев: Қирғизистон жанубидаги газ инқироzi 2016 йилгача давом этади

Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев ўзининг Мустақиллик кунига бағишланган нутқида мамлакат жанубида беш ойдан бери давом этиб келаётган газ инқирозига тўхталиб ўтди, деб хабар берди kloop.kg.

Унинг сўзларига кўра инқироз 2016 йилгача давом этади.

Атамбаев нутқида таъкидланишича икки йил давомида Қирғизистон ҳукумати ва «Газпром» вакиллари республика жанубини газ билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш мақсадида ишлаб чиқилаётган иккита лойиҳадан бирини танлайди. Булар — мамлакатнинг шимолидан жанубига томони газ қувури ўтказиш ёки Боткен вилоятида кўмирдан газ ишлаб чиқарувчи завод қуришдан иборат.

«Бирок, 2016 йилга қадар бутун бошли икки йил, икки қиш бор. Биз жануб аҳолисининг ушбу икки йилдан қийинчиликларсиз ўтиб олиши учун барча имкониятларни ишга солишимиз керак», — дея таъкидлайди Атамбаев.

Қирғизистон жанубидаги газ инқироzi

Мамлакат жанубидаги газ инқирозининг 2016 йилгача ечими сифатида президент «Қирғизистон жанубига узлуксиз равишда электр энергияси етказиб бериш»ни тилга олди. Унинг сўзларига кўра, «Газпром» шу мақсадларда Қирғизистон энергетика вазирлигига 20 млн. АҚШ доллари

микдорида имтиёзли кредит ажратишга рози бўлган.

«Энергетика вазирлиги ушбу маблағни фақат Ўш ва жанубнинг бошқа аҳоли пунктларида газ таъминотини ўрнини электр энергияси ҳисобига қоплаш ва энергия таъминотини яхшилаш учун мақсадли сарфлаши лозим», — дейди президент.

Қирғизистон жанубидаги газ инқироzi 2014 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон зангори олов етказиб беришни тўхтатиб қўйгандан сўнг беш ойдан бери давом этмоқда. «Газпром» Қирғизистон ҳукуматидан мамлакатда газ таъминоти ва транспортировкаси учун масъул бўлган «ҚирғизГаз»ни сотиб олганидан сўнг Ўзбекистон газ етказиб бериш бўйича шартномани янгилашдан бош тортиди.

Жанубдаги газ инқироzi бир неча мартаба мамлакатнинг ушбу қисми аҳолиси ва фаолларнинг норозилигига сабаб бўлди. Хусусан, июнь ойи бошларида Ўш шаҳрида зангори оловнинг йўқлигига норозилик сифатида «ТезакПром» деб номланган флэшмоб ўтказилганди.

Фаоллар парламент депутатларига бир қопдан гўнг олишни таклиф қилишди. Бирок, иштирокчилар қўлга олингани туфайли акция 20 дақиқадан узоқ чўзилмади. Ҳозирда Қирғизистон жанубида 60 минг аҳоли газсиз қолмоқда.

ЎХХ ахборот бўлими

Ярим миллионлик аҳолига эга Самарқанд шаҳридан 63002 одам иш излаб ҳорижий давлатларга чиқиб кетган. Шулардан 38846 таси эркаклар бўлса, 24156 тасини аёллар ташкил қилади. Шу билан бирга муҳожирларнинг 2622 та вояга етмаган болалари ҳам муҳожирликда яшашмоқда. Ушбу рақамлар маҳаллий 12uz.com сайтида эълон қилинган самарқандлик журналист Тошпўлат Раҳматуллаевнинг мақоласида келтирилган.

Журналистнинг таъкидлашича юқоридаги фактлар «Узоқ муддатга мамлакатдан чиқиб кетган фуқароларни аниқлаш ва уларни қайтариш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида»ги масалага бағишланган шаҳар мажлисида баён қилинган.

Шунга ўхшаш йиғилишлар Самарқанд шаҳрининг барча даҳаларида ташкил қилингани айтилади.

Мақолада қайд қилинишича, йиғилишда шаҳар ҳоқими ўринбосари Марҳабо Ғофурова иштирок этган. Ўз чиқишида у ҳеч ким, шу жумладан шаҳар ҳоқимияти ҳам фуқароларнинг ҳорижга ишлаш мақсадларида чиқишларини таъқиқламоқчи ёки қандайдир тўсиқлар қўймоқчи эмаслигини таъкидлаган.

«Бу уларнинг конституциявий ҳукуки. Бизнинг мақсадимиз эса фуқароларимиз ҳорижда эканлар муносиб иш шароитига эга бўлишлари ва турли хил экстремистик гуруҳларга кўшилиб

қолмасликлари учун ахборот беришдан иборат», — деган ҳоқим ўринбосари.

Ғофурованинг м е ҳ н а т муҳожирининг ота-оналари ва яқин қариндошлари уларнинг қаерда нима иш



Самарқандлик 63 минг одам иш излаб ҳорижга кетган

қилишаётганлари, қандайдир экстремистик гуруҳларга таъсирига тушиб қолмаганликлари ҳақида аниқ билишлари лозим. Маҳалла эса муҳожирларни ватанга қайтариш учун тегишли ишларни амалга ошириши лозим.

Шу ўринда журналист ватанга қайтарилган муҳожирларни иш билан таъминлаш масаласига ҳам тўхталиб бир нечта саволлар билан мурожаат қилади:

«Бироқ қайтиб келган фуқаро нима иш билан шуғулланади? Ҳоқим ўринбосарининг сўзларига кўра, уларга ишни ҳозирда 2000 дан ортиқ бўш ўринга эга бўлган Самарқанддаги «8-март», «Бофанда», «Восток продукт» фабрикалари таклиф қилади. Иш ҳақиқи?

Бу эса энг асосий савол бўлиб унинг жавоби муҳожирнинг бундай ойликка рози бўлиш ёки бўлмаслигига боғлиқ», — дейди у.

Журналистнинг сўзларига кўра, бир неча кун олдин ўзи яшайдиган маҳалла фуқароларидан бир нечтаси бандликка кўмаклашиши ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш шаҳар марказига иш сўраб мурожаат қилишган. Марказ уларга таклиф қилган ишларда эса ойлик маошнинг 350 минг сўм (120 доллардан камроқ) ошмаслиги маълум бўлган. Одамлар эса табиийки бу ойлик маошга рози бўлишмаган. Мақолада келтиришича, масаланинг яна бир томони ҳам борки, ҳозирда маҳалла оксоқолларидан ўз маҳаллаларидаги ҳорижда юрган муҳожирларни ортга қайтариш бўйича ёзма равишда тилхат олинмоқда. Уларга ҳар ойда нечта меҳнат муҳожирининг ортга қайтарилгани тўғрисида ойлик ҳисоботлар топшириб туриш вазифаси юклатилган.

ЎХХ ахборот бўлими

Ўзбек муҳожирлари Қозоғистон пойтахтида сон жиҳатдан етакчи

Қозоғистон пойтахти Остона МДХ давлатлари билан миграция борасида мусбат сальдога эга. Бу ҳақда Остона статистика департаменти матбуот хизмати маълумоти таяниб trend.az хабар берди.

«Хусусан, Ўзбекистон билан миграция нисбати +233 кишини ташкил қилади. Ундан кейинги ўринларда Россия Федерацияси билан +28, Қирғизистон Республикаси билан +40, Озарбайжон билан +7, Туркменистон билан +6, Украина билан +5 ва Тожикистон билан +3 кишини ташкил қилади», — дея қайд этади Департамент матбуот хизмати.

Департамент маълумотларига

кўра, МДХ ҳудудидан ташқари мусбат сальдога эга бошқа давлатлар орасида Хитой (+136 киши), Мўғилистон (+30 киши) ва Туркия (+10 киши) туради.

Муҳожирларнинг миллий таркиби бўйича етакчилик қозокларга тегишли бўлиб — Остонага келганлар умумий сонининг 88,3 фоизини, чиқиб кетганларнинг эса 86,2 фоизини ташкил қилади.

Миллий таркиб бўйича ўзбек муҳожирлари сони эса Остонага келганлар ва чиқиб кетганлар умумий сонининг атиги 0,5 фоизини ташкил қилади.

Аҳолининг жорий ҳисобига кўра, 2014 йилнинг январь-июль ойларида Қозоғистон пойтахтига

24301 одам кириб келган ва 13414 одам чиқиб кетган бўлиб мусбат сальдо — +10887 кишига тенг. Мусбат сальдо биринчи навбатда ички миграция (+10887 киши) ҳисобига шакллантирилган.

Ташқи миграция бўйича мусбат сальдо кўрсаткичи эса +435 кишидан иборат.

2014 йилнинг январь-июнь ойларида 2013 йилнинг ҳудди шу муддатига солиштириганда ўтган йилги 48,9% лик ўсишдан ошиб 65,6%га етган.

Статистика Департаменти маълумотларига кўра, 2014 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Остона аҳолисининг сони 835 153 кишига етган.

ЎХХ ахборот бўлими

Темурийлар музейига тикилган Каримов қайтиб юмшоқ курсига ўтирганда, ғазоби бироз босилган бўлса ҳам, алами уни тарк этмаган эди. Ҳали бир қаричлигида унга ёпишган бу бедаво касаллик, унинг ҳақиқий худоси эди. У баъзи-баъзида ўзига қарши туриши мумкин эди, аммо ҳеч қачон ғазобига қарши турулмади.

У нимаики қилса, шу кўринмас балоий азимнинг амри билан қиларди. Болалигидан тақдирнинг унга нисбатан бешафқатлиги туфайли қалбидаги инсон зотига бўлган чексиз нафрат зайли билан туғилган бу кўринмас бало, унинг ҳақиқий қиёфасини ифодаларди.

Онасини яхши биладиган баъзи кимсалардан етиб келган мишмишларга кўра, уни онаси қорнидалигида шу дардга мубтало бўлган, дейишади. Улоқчи отларнинг



Ҳайкалтарошни тинглаётган диктатор

туёқлари остида қолган боши кесилган серка сингари унинг ҳам калтаклар остида қолиб кетиши, бунга сабаб бўлган бўлса, не ажаб. Онаси кимдан орттиргани бетайин бу болакайнинг бошини ўзбеклар силаб-сийпаб, етимхонада катта қилдилар. У ўзбекдан чексиз меҳр-шафқат кўрди. Аммо унинг меҳр-шафқатини – туғилмасидан ҳаётга ва одамларга чексиз бир нафрат орттирган болакай, Аллоҳнинг ўзига бўлган меҳр-муруввати, адли-инояти, деб ўйламади. Акси, барчасини ўзбекнинг овсарлигию, кучсизлигига йўйди. Шу учун ҳам у ўзбекларга нисбатан чексиз бир нафрат ичида, ғазабга тўлиб улғайди. Илик едирганинг бир кун илигингдан олади, деганлари сингари у охир-окибат, ўзбек кўйнида асраган захарли илон бўлиб чиқди. Ўзбекнинг кўзининг ёғини еб улғайган етимча, ахири унинг мислсиз душманига айланди. Етим кўзи боқсанг, оғзи-бурнинг ёғ бўлар, етим бола боқсанг, оғзи-бурнинг қон бўлар, деган ўзбек матали ўзининг нақадар ҳаётийлигини кўрсатди...

У дамани бироз босиб олгач, хиёбоннинг нариги юзасида қад ростлаган Юридик университетнинг ғиштин биносига боқди. Бу бино ўн тўққизинчи

асрда рус истилочилари томонидан қурилган эди. У билан бино ўртасини дарахтлари кесилиб, қўлнинг кафтидек очилиб қолган хиёбон ажратиб турарди. Хиёбоннинг қоқ ўртасида, от миниб турган Амир Темурга ўрнатилган ҳайкал бор эди. Атрофидаги дарахтлар ҳали жуда ҳам ёшлиги учун ҳайкал кўзга маҳобатли

хиёбонни вайрон этиб, кўнгли таскин топган кунларига, пичирлаб тасаннолар айтди. У, ўзини шу ишга руҳлантирган Бош вазир Шавкат Мирзиёевнинг у бир қарорга келгунича, хиёбондаги бутун чинорларни кесилмасидан туриб, казо-казолар учун мебел ясайдиган усталарга олтин баҳосида пуллаганидан эса, ҳалигача ҳам

беҳабар эди.

Орадан ярим соат ўтмасдан ҳайкалтарошни бошини ерга тиркаган эчки каби туртиб-тортқиляб, унинг олдида олиб келдилар.

– Ҳаёт ҳайкалтарош, сиз билан биз тарошдаги тош! – деди, ҳамиша бировларнинг фикрини ўғирлаб, ўзининг зукколигини намоиш этишни хуш кўрадиган президент. – Менга яқинроқ келиб, тўғрига боқинг-чи, аллома, кўзингиз нималарни илғар экан.

Ҳайкалтарош ойнадан

олис-олисларга боқиб:

– Биноларни ва бевақт хазон бўлган забардаст чинорларнинг қон йиғлаётган тўнқаларини кўряпман. Яна, қирилиб кетган қавмининг ох-воҳига дош бера олмасдан, қадди дуто бўлган ёш ниҳолларни ва бир замонлар жаннатийлиги билан одамларнинг кўзини яшнатиб, мусаффолиги билан кўнгиларни яйратадиган файзи-тароват мулкларини топтаган хосиятсиз бир замонни кўряпман. Дарахтлар кесилгач, юзага қалққан сизот сувларини, Анжуманлар Саройи пойдеворини емиришни бошлаган захни кўряпман...

Ҳайкалтарошни тинглаётган президент, ич-ичида чакки эмас деб ўйлади. Унга Анжуманлар Саройи пойдеворини зах емираётганини ва янги қурилган Навоий кутубхонасининг ертўласини сув босиб, қанчадан-қанча китобларнинг чириб кетгани ҳақидаги хабарларни ўз вақтида етказган эдилар. У ўз олдида кўйган мақсадига оғишмай амал қилиб, улкан муваффақиятларга эришаётганидан чексиз мамнун бўлган эди. Умуман, унинг даврида қурилган иншоотларнинг аксарияти, яроқсиз ҳолатга келиб

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қолганди. У бу қурилишларнинг қурилмасдан олдин тендерга қўйилишини, тендерга қўйилган ҳар бир иншоотни қуриш ҳуқуқини пора эвазига сотиб олиш мумкинлигини яхши биларди. Қўлига ҳужжатларни киритгунча, қурилишнинг умумий суммасидан ўн фоизини пора сифатида сарфлаган ташкилотнинг мақсади ҳам, бир сўмини шу йўл билан ўн сўм қилиб олишдан иборат эди. Қурилиш битгунча, умумий сумманинг эллик фоизига қурилган ҳар қандай иншоотнинг ўн йил ўтмасдан пойдевори чўкиб, табиий равишда деворлари ёрилиб кетиши, ўз-ўзидан бутун ўзбекистонликларга маълум эди.

Шартномада кўрсатилиши мумкин бўлган сумманинг юз фоизига иншоотни қураман, деган ташкилот иншоотни қуриш ҳуқуқини қўлга киритмасдан олдин

инқирозга учраб, охир-оқибатда, ташкилот раҳбари “Ўзбек модели” услубиятини ўзлаштира олмаганлиги учун қамалиб кетарди. “Ўзбек модели”нинг бу ўзига хос усулидан, президент ҳамшиша ўзида йўқ фахрланарди. У ҳозир ўзи турган Анжуманлар Саройининг ҳам италияликларнинг маблағларига қурилганини, ҳалигача олинган пулларнинг қайтарилмаганини ҳам яхши биларди.

Қизи Гугушанинг ўша пайтдаги ўйнаши ва жиний шериги Одил Жалолов – “Зеромакс”нинг бу иш бошида турганини, италияликлардан олинган пулларнинг эллик фоизи ҳали хорижда, бошқа ҳисоб рақамларга ўтиб кетгани ҳам унга маълум эди. Одилнинг тепасида эса, граф турарди. Шу кунларда Ўзбекистонга оёқ босмай қўйган графдан президент чўчиб яшагани боис ҳам, унинг оиласи ва республика ҳудудларидаги кўчмас мулкларини гаровда ушлаб

турарди. Графнинг оиласини қўлидан чиқазса, граф унинг қизлари ва невараларини бир кунда ер юзидан супириб ташлаб, бутун нафратини унинг ўзига қаратарди. Шу каби улар орасида, қўпдан кимса билмас ўйинлар давом этиб келарди. МХХнинг бошлиғи Рустам Иноятов бутун хавфсизлик кучлари ихтиёрини қўлга олгунча, Каримовнинг бош жаллоди ва ички ишлар вазири бўлган Алматов, президент билан графнинг ўртасида келиштирувчи мақомида эди. У Путин ёрдамида обрўсизлантирилиб, лавозимидан олиб ташлангач, президент графдан ўзини олиб қоча бошлади. Улмас Кашшей каби ҳайвоний бир ҳис билан жони Рустам Иноятов қўлига ўтганини билгач, гиёҳванд моддалар олиб келаётган миллион-миллион долларлардан у юз ўгиришга мажбур бўлди...

(Давоми бор)

Эргаш Сулаймон

Хитойнинг Қошғар тарихини йўқ қилишга қаратилган навбатдаги ҳийласи

Тошларда сақланган кўп асрлик тарих...

Шарқий Турикстон пойтахти Қошғарда (1949 йил Хитой томонидан ишғол қилинган — тахририят) тўрт йилдирки қайта тиклаш ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида мазкур қадимий минтақадаги турк маданиятининг ажралмас бўлаги ҳисобланган тарихий бинолар ва бошқа объектлар бирин-кетин йўқотилмоқда.

«Тоғли ҳудудда жойлашган Қошғар — бугунги кунга қадар ўзининг тарихий тузилмаси, дастлабки меъморчилиги, анъанавий бозорлари, қўча сартарошхоначилигини сақлаб келаётган шаҳардир», — деб ёзади маҳаллий матбуотга таяниб кирғиз нашри Gezitter.org.

Қошғарда бутун дунёга турк олимлари — Юсуф Хос Ҳожиб (Болосоғуний) ва Маҳмуд Қошғарийларнинг қабрлари жойлашган. Хитой ҳукуматининг қайта тиклаш ва қурилиш ишлари 2015 йилда якунига етиши режалаштирилган. 2010 йилнинг августда Хитой вазирлари шаҳарнинг қайта қурилиш ишлари режасини тузишганди. Режага кўра, умумий майдони беш миллион кватрдат метрни ташкил қиладиган

28 та даҳани бузиб ташлаш кўзда тутилган. Ушбу даҳаларда жойлашган 49 минг 83 та уйнинг бузиб ташланиши ва уларнинг ўрнида янги уйлар қурилиши мўлжалланган.

Бутун бу қурилиш ишлари Хитой ҳукуматининг «аҳолига кўрсатаётган ғамхўрлиги» сифатида талкин қилинмоқда. Гап шундаки, 2003 йили Қошғарда кучли ер силкиниши содир бўлганди. Буни қарангки орадан етти йил (!) ўтиб Хитой ҳукумати туркий даҳаларни бузиб ташлаб Қошғар ҳақида «ғамхўрлик» қилишга қарор қилибди. 220 мингдан ортик маҳаллий турклар бўлган — кирғизлар ва уйғурлар бошқа жойларга кўчирилди.

«Шаҳарни қайта қуриш режаси асосида тарихий биноларнинг бузиб ташланиши норозиликларга сабаб бўлди. Хитой ҳукумати эса бунга мажбурлигини таъкидлаб келмоқда. Ўз турар жойларини ташлаб кўчишга мажбур бўлган аҳоли эса буни Пекиннинг нафақат шаҳар тарихий тузилмасини йўқ қилиш, балки уни демографик жиҳатдан ҳам ўзгартириб юборишга қаратилган навбатдаги айёрона режаси деб ҳисоблашмоқда», — деб ёзади нашр.

УХХ ахборот бўлими



Ўзбекистонда божхоначилар сони қисқартирилди

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 августдаги №242 сонли қарори билан ҳукуматнинг баъзи қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу ҳақда норма.уз тарқатган маълумотга таяниб Podrobno.uz агентлиги хабар берди. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш масалалари тўғрисида”ги №374 сонли қароридаги Давлат божхона тизими ходимларининг сони 3934 тадан 3926 тага қисқартирилди.

Мазкур ўзгартишларга кўра, Давлат божхона қўмитаси раиси зарур ҳолатларда Президент Девони ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Давлат божхона қўмитаси, унинг ҳудудий божхона органлари, чегара олди ва ташқи иқтисодий божхона постларида ходимларнинг белгиланган умумий сони ва меҳнат учун ҳақ тулаш жамғармаси доирасида тегишли ўзгартишларни киритиш ҳуқуқига эга.

UZBEK.FM



«Дунёга келибмизки юртимизда золим бўлмаган ҳокимият кўрмадик» — мухлисимиз фикрлари

«Шаҳидлар хиёбони»га борган Каримов бир ёнига муфтий Усмонхон Алимов, бир ёнига эса Тошкент имом-хатиби Анвар қори Турсуновни олиб Ирокдаги «бемаза» ва «нотаниш оқим» вакиллари Узбекистон остонасига яқинлаштирмаслик лозимлигини уқтирганди.

Чунки «мазали ва таниш бўлган оқим аъзолари» унинг атрофини эгаллаб олиб, жон томирига жойлашиб олган-ки, кошки имконлари булганда «пир»лари билан бирга ётиб турган, керак бўлса » ўша»нинг ўпкасидан биргалашиб нафас олган бўларди.

Аввалдан бу сохта президентнинг тактикасига назар соладиган бўлсак, бугунги вазиятда ичидан ўтгани фақатгина унинг иштонигагина аён. Агар «не бўлса бўлар» деймикин деса, эртага ҳолига маймунлар йиғлаши, «қўлидан нима ҳам келарди» деса, хандон отиб кулиши турган гап.

Бу «телба турини бермас» мақолига яраша кимсанинг калтабин фикрича, албатта хавфсизлик чораларини кучайтириб тўғри килинади, чунки билиб булмади-да, ўзбек деган миллат «байрам» деган тушунчани «портлатиш» деб тушунади.

Шунинг учун ҳам мана мустақиллик бўлгандан бери ҳар йили ўзбеклар икки Хайит, навруз ва истиклол байрамларини мактаб,

боғча, масжидларни, ҳамда кишлоқ ва шаҳарларни миналаштириб портлатиш билан машғул.

Чорак аср бўлибдики ҳамма ёқни доим байрамларда кули кўкка совурилади. Бомба қидиришдан бошқа нарсага акли етмайдиган ходимлари борки, улар байрамлардан олдинроқ хавотирга тушиб иззиллаб қолишади. Фуқаро ҳам анойи эмаски, бу йил портлатган ерларини янаги йилга тинч қўйса, шунинг учун ҳам доим келгуси байрамларни «зору интизор» бўлиб кутишади.

Бу оқсаройми-кўксарой ичига кириб олган бир гуруҳ «таниш оқимдаги» ваҳимчиларнинг фикридир.

Ақсар ҳолларда ижтимоий мувоҳаса вақтларида «яна Каримов президентликни давом эттирармикин, агар яна ўзини ўзи

сайлаб олса ўзбегим ҳоли нима бўлади», ёки, «биз яна ер юзи бўйлаб мардикор бўлиб юраверамизми», «ўзбек деган миллат хор бўлиб оламга шарманда бўла бошладику» кабилида фикрлар ўртага ташланиб қолади.

Бу фикрда бир оз янглишиш бор, чунки, шармандалиқ аллақачон бошланган, ўзбек

аёлларига оқ йўл тилаб Дубай, Туркия, Россия, Кореяга эшик очилганда юз шувут бўлишига биринчи қадам босилган эди. Энди у шармандагарчилик тагидаги оловга «дам» бериб кучайтириш қолди холос.

«Ҳаракатда-баракат» дейишади, бугунги кунгача ҳар бирлари ўз вазифаларини «аъло» даражада уддалашди.

Қанчадан-қанча ўзбек хонадонлари хонавайрон булиб улгурди, зўрга очилган масжидлар МФИ идораларига, профилактика бўлимларига, ашула ва ракс ансамбллариининг мулкларига айлантирилди.

Биз дунёга келибмизки юртимизда золим бўлмаган ҳокимият кўрмадик. Аввалига, бирданига юходек ютиб юбормаса ҳам секин-секин қонимизни сўриб бораверадиган, теримизга яхшилаб ўрнашиб олган паразит жонивор-Советлар иттифоқида оламга келдик.

Мактабга қадам қўйдикки, «Союз не рушимый» деб бошланадиган, ва «республик свободный» деб кип-қизил ёлгон билан давом этадиган ҳиргойини қулогимизга қуйишди, қарангки, советлар эсимизга тушиши биланоқ унинг марши ҳаелимизда хатосиз уланиб кетади. Шундан бизнинг қонимизга қанчалик захар қуйилганини билиб олсак бўлаверади.


На «не рушимый» бўлган, ва на «свободный» бўлган золим салтанатнинг ўз эгалари ҳам тушуниб билмаган ҳолда Аллоҳ Таъоло кўтарди.

Бугунги репрессия асосчилари-собиқ коммунистлар ўтмишдаги даҳоларининг ҳолларидан ва йўқликка асарсиз сингиб кетсаларда, изларидан оқиб қолган қонлари эвазига тавқи-лаънатлари ҳали-хануз давом этаётганидан ибрат олсалар яхши бўларди.

Ahmad Fatih



(Давоми: Боши олдинги сонда)



Исроил ўғилларининг Исо алайҳиссаломга таҳиди
Исроил ўғиллари (162) Исо алайҳиссаломга:

- Бизга Узайрни тирилтириб бер. Акс холда, сени оташда ёқамиз (163), — дея узум оғочидан ўтин тўплай бошладилар.

У замонларда Исроил ўғиллари ўликларни тош сандиқларга солиб, тош қопқоқлари билан ёпар эдилар.

Узайр алайҳиссаломнинг қабрини устида исми ёзилган ҳолда топдилар. Бутун ҳаракатларига қарамасдан, уни сандиқдан чиқаришга кучи етмади уларнинг.

Келиб, Исо алайҳиссаломга хабар бердилар.

Исо алайҳиссалом ичида сув бўлган бир идиш берди ва “бу сувни унинг қабри устига сепинглар”, деди.

Сепдилар.

Қопқоқ очилди.

Исо алайҳиссаломни олиб беришди.

Узайр алайҳиссалом кафанда ётарди.

Унинг либосини чиқаришди (164). Ва Исо алайҳиссалом Аллоҳу Таолога дуо этди (165).

- Эй Узайр, Аллоҳ Таоло амри билан, тирил! — деди.

Исроил ўғиллари буни кўзлари билан кўришди (166)

Кейин Исо алайҳиссаломни ишора қилиб (167):

- Эй Узайр (168), шу одам учун шаҳодат эта оласанми?, — деб сўради.

Узайр алайҳиссалом:

- Мен унинг Аллоҳнинг қули ва расули эканига шаҳодат этаман!,- деди (169).

Шунда Исроил ўғиллари » Эй,

Исо, Роббингга дуо эт, уни бизнинг орамизда қолдирсин», дейишди.

- Уни қабрига қайта қўйинг, — деди Исо алайҳиссалом.

Узайр алайҳиссалом ўлди ва қабрига қайта қўйилди. Буни кўрганлардан Исо алайҳиссаломга иймон этгани этди, куфрда қолгани қолди (170).

Исо алайҳиссалом Исроил ўғилларига шундай мўжизалар билан юборилар экан, уларнинг мунофиқ ва кофир бўлганлари ҳайратлансалар-да, “Фалон одамнинг кеча еган овқати ва уйдаги мол-мулки ҳақида айтиб берармиш”, қабилдаги гаплар билан масҳара қилишарди.

Ўликларни тирилтирган

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (18).

мўжизаси эса кофир ва мунофиқ яҳудийларни тамоман ғазаблантирар эди (171).

“Магта “Инжили”га кўра, Исо алайҳиссаломнинг Ҳоврадаги ҳикмат ва ибратга бой ваъзидан ҳайратга тушган яҳудийлар:

“Бу одамга бу ҳикмат ва қудрат, ғаройиб ишлар қаердан келаяпти?, — дейишди.

Унинг пайғамбарлигига ишонмадилар.

Шунда Исо алайҳиссалом уларга:

- Бир пайғамбар ўз ватани ва уйдан бошқа ерда эътиборлидир, — деди.

Уларнинг иймонсизликлари сабаб Исо алайҳиссалом у ерда кўп ҳам кучини кўрсатмади. (Магта. 13- боб 54, 57, 58).

Исроил ўғиллари билан Ҳаворийларнинг кўкдан дастурхон индирилишини талаб этиши

Исо алайҳиссалом Исроил ўғилларига:

- Сизлар Аллоҳ учун 30 кун рўза тутгандан сўнгра у истаган нарсангизни берса, тўғри бўлмайдами? Чунки ишчининг ҳақи ишига қараб берилади, — деди.

Исроил ўғиллари 30 кун рўза тутганидан сўнгра:

- Эй яхшиликларнинг муаллими, сен бизга 30 кун рўза тутишни амр этдинг, биз бу амрингни бажо келтирдик. Биз 30 кун меҳнат қилиб, иш ҳақимиз берилмаган кун ҳеч бўлмаган (172). Бир иш қилсак, доим емак берилган. Эй, Исо, биз рўза тутдик, очикдик. Бизга кўкдан бир дастурхон индирилишини талаб,

Аллоҳга дуо эт, — дейишди (173).

Ўша пайтда Исо алайҳиссалом 30 кун рўза тутишни ҳаворийларига ҳам буюрганди. Улар ҳам 30 кун рўза тутишган эдилар (174).

Кўкдан инган овқат тўла дастурхон ҳақида олимларнинг ривоятлари ҳар хил (175).

Баъзиларига кўра, Малакларнинг самодан (176) келтириб, Исроил ўғиллари ва Ҳаворийлар олдида қўйилган дастурхонда (177) арпа ундан ёпилган (178) етти дона нон билан етти дона балиқ бор эди (179).

Исо алайҳиссалом йиғлади ва:

- Аллоҳим, мени шукур этганлардан айла! Бу дастурхонни бир раҳмат қил! Уни бир жазо ва

азоб қилма, — дея дуо этди (180).

Дастурхон инганида, атрофига бойлар, фақирлар, катталар, кичиклар, эркаклар, хотинлар — ҳаммаси йиғилдилар (181).

Исо алайҳиссаломга:

- Эй Рухиллоҳ (182), бундан илк еган сен бўл, сендан кейин биз ейлик, — дейишди (183).

- Аллоҳ мени емакдан сақла (184). Аммо ундан ким истаса, ейиши мумкин, — деди Исо алайҳиссалом (185). Ва ўзи ҳеч нарса олмади (186).

Ҳаворийлар ҳам (187) дастурхондаги емакдан кўркишди (188) — емадилар (189).

Шунда Исо алайҳиссалом дастурхонга фақирларни, хасталарни (190), шол бўлган мажруҳларни (191), маҳовларни чақириб:

- Аллоҳнинг ризкидан енглар, бу сиз учун эҳсон, бошқалар учун балодир, — деди (192).

Хотин-эркак (193) фақирлардан, шол бўлганлардан, моҳовлардан ва бошқа хасталардан минг уч юз киши дастурхонда емакдан еди ва ҳаммаси тўйдилар (194), кекирдилар (195).

Уларнинг энг сўнггиси уларнинг энг бошдагиси егани каби еган эди (196).

Бир жамоат келиб, тўйиб, чиққандан сўнгра, навбатдагиси келиб, ерди ва шу тахлит емак ҳаммага етиб, ҳатто ортиб қолди (197).

Исо алайҳиссалом балиққа қаради, кўкдан қандай инган бўлса шундай турарди (198).

Ривоятга кўра, дастурхондан

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

еганлар сони беш минг эди (199) ёки бундан кўпроқ эди (20). Ҳатто етти мингга яқинроқ эди (201).

Ўша емакдан еб тузалмаган хаста, юриб кетмаган фалажли киши, шифо топмаган мохов, бой бўлмаган фақир йўқ эди (202).

Сўнгра дастурхон уларнинг кўз олдида самога юксалди ва ғойиб бўлди.

Ҳаворийлар дастурхонда емаганлари учун пушаймон бўлдилар (203).

Аллоҳу Таоло Исо алайҳиссаломга: “Дастурхонимни бойларга эмас, фақирларга таъсис эт”, дея бурганди (204).

Исо алайҳиссалом буйруқни бажарди (205), аммо бу бойларга ёқмади (206). Ва улар дастурхоннинг кўкдан инганини инкор этдилар (207). Дастурхон ҳақида шубҳага тушдилар, халқни ҳам шубҳага туширдилар (208).

- Сиз дастурхоннинг ҳақиқатдан ҳам кўкдан тушганига ишониъсизларми?, — дейишди улар (209)

Дастурхонни кўрмаганлар уни инкор этдилар (211).

- Ҳолингизга вой (212), у сизларни сеҳрлабди!, — дейишди яна (213).

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (18).

Аллоҳу Таоло кимга хайр мурод этган бўлса, уни иймонда сабот этди, кимни фитнага тутилишини истаган бўлса, у куфрга қайтиб борди.

Исо алайҳиссалом ҳам уларга:

- Сиз ҳалок бўлдингиз, Аллоҳнинг азобига тайёрланингиз!, — деди (214).

Дастурхоннинг кўкдан инганини инкор этганларнинг оқибати

Дастурхоннинг кўкдан инганини инкор этган Исроил ўғилларидан уч юз ўттиз уч (216) киши уйида ётаркан, эргалаб тўшақларда тўнғизга айланган ҳолда уйғондилар (217).

Тўнғизга айланганлар ичида на бир хотин, на-да бир бола бор эди (218).

Тўнғизга айланган яҳудийлар йўллардаги, ҳожатхоналардаги ахлатни ер эдилар.

Халқ уларнинг тушган аҳволини кўриб кўрқди.

Исо алайҳиссаломнинг ёнига бориб, йиғладилар.

Исо алайҳиссалом ҳам одамларнинг бу даҳшатли ҳолга тушишига йиғлади.

Тўнғизлар Исо алайҳиссаломни кўриб, йиғладилар ва унинг атрофида айлана бошладилар.

Исо алайҳиссалом уларни исми билан чақириб (220).

- Сен фалон, сен эса фалон эмасмисан?, — деб сўради (221).

Улар йиғлаб (222), “Ҳа,” дегандай бошларини чайқаб, ишорат эта оларди, ҳолос (223-224).

Шу аҳволда уч кун яшаб, ўлдилар (225).

Қуръони Каримда дастурхон ҳақидаги баён

Ҳаворийлар:

- Эй Исо бинни Марям, Роббинг бизга осмондан бир дастурхон нозил қилинишга қодирми?, — деган пайтларида, (Исо уларга):

- Агар мўмин бўлсангизлар, Аллоҳдан кўрқинглар, — деб жавоб қилди.

Улар дедилар:

- Биз (фақатгина) у дастурхондан ейишни ва кўнгиларимиз таскин топишини ҳамда сенинг рост сўзлаганингни аниқ билиб, у дастурхонга гувоҳлик берувчилардан бўлишни истаимиз.

(Шунда) Исо бинни Марям:

- Эй Тангрим, Роббим, бизга

осмондан бир дастурхон туширки, у аввалу-охиримиз учун байрам ва Сенинг оят-мўъжизанг бўлиб қолгай. Бизни (шу неъматдан) баҳраманд қилгин. Ўзинг энг яхши ризқ бергувчисан, — деганида, Аллоҳ айтди:

- Мен уни сизларга туширгувчиман. Аммо шундан кейин кимда-ким кофир бўлса, мен уни одамларнинг ҳеч бирини азоблантирмаганим бир азоб ила азоблантираман (226).

Исо алайҳиссаломнинг Ҳажжга бориши

Равҳо водийсидаги Ҳажж йўлидан устларига юнган абор кийган етмиш пайғамбарнинг, туялар устида, хурмо ипидан ўралган жиловларини тутган ҳолда, Ҳажж қилиш учун Маккага келиб, Ҳайф Масжидида намоз қилгани ҳақида ривоят этадилар.

Исо алайҳиссаломнинг талбияси шундай эди:

“Лаббаяк, буюр Аллоҳим, амрингга муштоқман, мен сенинг қулингман, сенинг икки қулингнинг

қизи бўлган жория қулингнинг ўғлиман (227)!”

Исо алайҳиссаломнинг ҳар тарафга Ҳаворийларни юбориши

Исо алайҳиссалом узоқ ва ёки яқин ўлкаларга Ҳаворийлардан даъватчилар юборишни истаганда, яқин ерга юборганлари астойдил кетдилар, аммо узоқ ўлкаларга тайин этилганларга бу иш малол келди.

Исо алайҳиссалом бу хусусда Аллоҳга шикоят этди.

Ва узоқ ўлкаларга кетиши керак бўлган, аммо бу вазифа малол келганлар бир куни эргалаб, ўша тайин этилган ўлкалардаги қавмларнинг тилларини ўрганган ҳолда уйғондилар (228).

Исо алайҳиссалом Ҳаворийлардан,

1. Бутрусни ҳаворий бўлмаган Булус ила бирга Румияга,

2. Ҳаворийлардан, Андреасни ва Маттани одамхўр қабилаларининг юртига,

3. Тумасни Бобилга,

4. Филибусни Кайрован ва Африкага,

5. Юҳаннасни Асҳоби Каҳф минтақаси бўлган Афсу (Дафсу) га,

6. Якубусни Оришалим (Илэ, Байтулмақдис) га,

7. Ибн Салмони Ҳижозга, Арабларга,

8. Симонни Африка ёнидаги Варварлар юртига,

9. Ҳаворийлардан бўлмаган Яҳудани эса Юзез (Юдис) Закариё Ютанинг ўрнига Арибусга йўллади (229).

Антакиё халқининг элчиларини ўлдириш учун қилган ҳаракати

Исо алайҳиссалом бутпараст Антакиё халқига Ҳаворийларидан ичида Шамун ҳам бўлган учта элчи юборилган эди.

Элчилар аввал Антакиёда Ҳабиб бин Мураййга дуч келдилар.

Унинг уйи шаҳар дарвозаси ёнида, шаҳардан узоқроқда эди.

Қасби урганжийлик эди. Ўзи хаста эди, мохов касаллигига чалинганди. Хайрсевар, қўли очик, мўмин зот эди. Топган даромадини оқшом бир жойга тўплаб, иккига бўларди. Ярмига бола-чақасини боқар, ярмини йўқсилларга берарди.

Хасталиги, кучсизлиги ва иши унга монэ бўлмасди.

(Давоми келгуси сонда)



Сиз шу жазога лойиқсиз !!!!

Мен ушбу мақолани ёзишимдан мақсад кимнидир ҳижолатга қўйиш ёки айблаш мақсадида эмас, балки ҳозир урфдан қолиб кетган ажойиб, «танқид келажакнинг мевасидир» — деган пурмаъно ҳикматли сўзни эслаш ва шундан умид қилиб, бир ҳақиқий-воқеликни ошкор этмоқчиман ва умид қиламанки ўқувчилар мени тўғри тушунадилар — тўғри хулоса чиқаришадилар ва мулоҳаза қиладилар:

Бир инсон, менга кўп бора кўнғироқ қилиб, менинг ёрдамим кераклигини, у киши ҳам тухмат орқасидан қамалиб қолганлигини ва шу мақсадда мен билан маслаҳатлашмоқ истагида эканлигини такрор ва такрор айтиб таклиф киритди.

Биз учрашдик, ҳа ҳақиқатдан ҳам бир сумкада ҳужжатлар, қоғозлар, фактуралар хуллас бир уюм ҳар хил қоғозлар, мен нима учун бундай демокчиман, сабабики бу қоғозлар ҳали далил сифатида ҳужжат мақомига эга эмаслигини кўриб шундай хулосага келмоқдаман.

Аммо асосий гап бунда эмас, у киши куйиб-пишиб ноҳақдан узоқ муддатга қамалганлигини ва устига устак асоссиз кўп миллион сўм солидар мулкый зарар ҳам қўйилганлигини исботлашга ҳаракат қилар, нотариал ваколатнома асосида ушбу шикоятлар билан унинг номидан турмуш ўртоғи Олий судга шикоятлар берар, аммо ҳаммасига бир хилдаги, «шикоятингиз олдин ўрганиб чиқилган ва рад жавоби қайтарилганлигини маълум қиламиз»-деган жавоблар узлуксиз келаятганлигини арз қилди. Мен у

кишига балки ростдан ҳам жавоб асослидир деган синов саволни берган заҳотимок, у киши куйиб-пишиб барча ҳужжатларни олиб, гуёки мен суд ёки прокурордек исботлашга тушиб кетди. Мен у кишини зўрға тўхтагиб олиб, ака мени тўғри тушунинг, мен ҳам худди сиздек адолатсизликдан жабр кўриб, адолат курашига бел боғлаганман, хабарингиз бордир деган саволимга хабари борлигини ва у киши ҳам адолат учун курашда ҳеч нарсадан тап тортмаслигини баён этди. Ушбу сўз, «курашдан қайтмаслиги» -ҳақидаги ваъда, бизнинг суҳбатимиз давомида 4 марта такрорланди.

Аммо мен судлар томонидан қонун нормалари бузилаётганлиги ҳақидаги аниқ далил ва исботлар билан ўз номимдан ёзилган мақолаларимни: — 07.07.2014 йилда чоп этилган «Ўзбек судьялари ҳам рухий касалликлар шифокори тиббий кўригидан ўтадиларми», 08.07.2014 йилда чоп этилган «Nabeas Corpus act даги хатолик», 20.07.2014 йилда чоп этилган «Айтганидан тунги капалаклар ҳам қайтмаган» ва 27.07.2014 йилда чоп этилган «Безбетлик уларнинг бетидир» сарлавҳали мақолаларимни берганимдан кейин ўқиб чиқиб, ўзининг таъбири билан айтганда лабига учук чиқиб кетган эмиш!... Менга умуман тушунарсиз ҳолатда, «бизга бундай кураш тўғри келмас экан» -деб қолса бўладими? Мен сабабини сўрасам, кўрқинини, агар иложи бўлса у кишининг исми шарифлари кўрсатилмаса, яъни гуёки у киши ҳеч нарсадан хабарлари йўқдек бўлса-ю, у киши

учун мен ўз номимдан мақолами ёки бошқа усулдами адолат учун курашсам????!!!...

ТИЛИМ ЛОЛ!!!!...

Турмуш ўртоқлари, у киши учун Олий судга шикоят ёзсалар, мен у киши учун, аниқроғи у кишининг хабарлари бўлмаган ҳолда ёки у кишининг номларини умуман кўрсатмаган ҳолда, мутлақо чалкашиб кетдим, билмадим ёки —«Мен ўз фамилиямни ёзиб мен ноҳақ узоқ муддатга қамалганман ва асоссиз қўйилган кўп млн сўмлик солидар мулкый зарарни тўлашим керак» -деб мақола беришим керакми-кин ???...

ЎЛАЙ АГАР АҚЛИМ ҲАМ ЛОЛ ҚОЛДИ, — бирор бир киши менга тушунтириб бера олармикин буни нима деб аташ лозимлигини ??? ...

Хуллас дилим хуфтон бўлди, билмадим бу мутеликми, мазахистликми ёки мулоҳаза сизлардан азизлар, менинг тилим ҳам ақлим ҳам лол!!!!...

Фақат ва фақат иккаламиз ҳам ўзбек бўлганлигимиз учун ҳам, минг бора, балки миллион борадир афсус ва армон билан шуни айта оламанки:

«Ака ... , сиз худди шу жазога, ҳаттоки бундан-да баттарроқ жазога лойиқсиз»!!!!...

Зеро бежиз айтишмаганлар: «мазлум киши – зулмга маҳкумдир» !!!... Янашуниқатъий айта оламанки, — Биз мазлум инсонлар бахтли ҳаёт кечиришимиз учун бизнинг ҳақ-хуқуқимизни поймол этувчилардан, уларнинг ўзгаришларини раҳмдилроқ бўлишларини умид қилиб сўрашимиз эмас, балки ўз бахт-саодатимиз учун ўзимиз ўзгаришимиз-курашишимиз лозим.

Қурьонда токи биз ўзимизнинг аянчли аҳволимизни ўзгартиришга ҳаракат қилмас эканмиз, Оллоҳ уни ўзгартирмаслиги айтилади

Кўпчилигимиз бу ўғитни тушунмасликда ёки англаб етмасликда ёхуд эшитмаганликда давом этмоқдамиз ва ўз эътиқодимиз –қатъиятимиз ва онг-тафаккуримизни ривожлантириш ва адолат туйғусини қалбимизга жо этиш ўрнига, ҳаётда енгил-елпи ғалабани орзу қилиб ... , енгил-елпи шов-шувли мақолаларни маъқул кўриб ўқимокдамиз-ми, биз учун гуё кимлардир адолат ва ҳақиқатни қарор топтириб кўядигандек нажот сўраб, умид қилмоқдамиз-ми????...

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ёки ўзлимизни унутиб, кимлимизни ошкор эта олмасдан девор ортидан туриб хар-хилдаги мантиксиз кераксиз эхтиросли эртақлар-ми ёки энгил-елпи изоҳлар-ми ёхуд халқ ўзининг аниқ мақсад ва маслагига етишиши учун ҳеч бир маъно касб этмайдиган савиясиз-хақоратомуз уйдирмалар билан жангга отланганмизми, очиқ ва мардонавор ҳақиқатни тик айтиб адолат курашига — ҲАҚ йўлида туриб фақат ва фақат ҳақиқатни ёзиш ва ошкор этиш учун курашга бел боғлашга, ушбу акамизга ўхшаб юрагимиз бетламайдими?...

Нега ахир , Қачонгача ахир ???...

Шуни ҳеч биримиз унутмаслигимиз лозимки, — ҳақиқатдан хар қандай чекинш, у қандай мақсад ва маслак туфайли бўлмасин, барибир у «ҲАҚ» йўлидан қайтишдир...

Шунинг учун азизлар кимнинг манфаатини изҳор этишни мақсад қилишдан қатъий назар, фақат ва фақат ҳақиқатни у қанчалик аччиқ ва оғир бўлмасин фақат ҳақиқатни изҳор этиш, ёзиш, фикр билдириш ва мулоҳаза қилиш шарт ва зарурдир!!!...

Сабабики, жамиятда — матбуотда айнан ҳақиқат айтилмаётганлиги учун, ҳақиқатнинг кўзига тупроқ тўлдирилганлиги учун ҳам, бизнинг ҳаётимиз бошқа-ю матбуотнинг оғиз кўпиртириши бошқа ва бунинг оқибатида ҳақиқат ва адолат принципи йўққа чиқмоқда, шуни ҳеч қайсимиз унутишга ҳаққимиз йўқ, азиз инсонлар!!!

Унутманг-ки: -Оллоҳ ҳам ўз онгини ривожлантирган ва ўз ҳақ-хуқуқи учун ҲАҚ йўлида собит турган бандасига ёрдам берар экан.

Халқ тили билан айтганда; -Худо ҳам, сендан ҳаракат-мендан баракат –деяр экан...

Умид қиламан ва зеро, -«Танқид келажак мевасидир» -деган пурмано ҳикматли сўз ўз таъсирини кўрсатса-ю, у ва у кишига ўхшаган «Камтарин» ва «Сермулоҳаза» инсонларнинг қалбида адолат туйғусини ўйғотиб юборса, ажаб эмас фаришталар Омин десалару, Оллоҳнинг ўзи ол қулим деб юборса, ИншаОллоҳ... ҲАҚ йўлида собит туришимизга ўзинг мадад бер, Оллоҳим !!!... Эътиборларингиз учун раҳмат !! Яна учрашиш насиб этсин деган умид билан

Баҳром Абдурахимов

“Ўзбек модели”ни президент Каримов, президент Каримовни эса “Ўзбек модели” кашф этгани бугун бутун дунёга маълум. Инсоният тарихида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган иқтисодий таракқиётларга йўл очган “Ўзбек модели” шарофати билан Ўзбекистон қайтадан дунёга



“Ўзбек модел”лари: Каримов ва Шавкат Мирзиёев

“танилди”.

Ўзбек халқининг “Турли-туман инқирозларни четлаб ўтиш ҳаракати”, Каримов бошчилигидаги “Ўзбек модели” тажрибахоналарида синондан ўтиб, “мисли кўрилмаган жаҳоншумул ғалабалар” гарови бўлди.

“Бутун оламни 23 йилдан буён зир титратиб” келатган Каримов ва “Ўзбек модели”нинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишида, Шавкат Мирзиёевнинг хизматлари бекиёс.

У Жиззах ҳокими бўлгач, хусусий хазинабони этиб холасининг эри Тўрани танлади. Вилоятдаги барча ишбилармонларни жазо отряди бошлиғи, мақбул жаллод Ўктамбойнинг кўлига топшириб, уларнинг бутун маблағлари ва инон-ихтиёрини поччасига берди. Норасмий жиҳатдан Жиззахда молия вазири лавозимини эгаллаган Тўра, шиддат билан Шавкатнинг хазинасини тўлдиришга тушди.

Шаҳар ташқарисидаги ташландиқ бир жойда бозор қурулишини бошлаган янги ҳоким қонхўр пашша сингари ишбилармонларнинг қонини сўриб, қурилиш ишларини ниҳоясига етказганда, шу нарса аниқ бўлди-ки, бозор ўрни халққа ноқулай жойдан танланган экан. Ҳалигача, ўша бозорга дайди итлар билан кўтир мушуклардан бошқа биров қадам босмайди. Бу дунёга “Ўзбек модели”нинг ўзига хос, ўзига мослигини кўсатди. Ният ишбилармонларнинг қўлидан пулларни тортиб олиш бўлгач, бозорга одам кириш-кирмаслигининг аҳамияти йўқ эди.

Шавкатнинг амалиётини назарий жиҳатдан чуқур ўрганган президент,

кашфиётни бутун республикага жорий этди. Ҳалигача шиддат билан давом этаётган бу иқтисодий марафон – ишсиз ва оч-яланғоч халқнинг ўзи билан ўзини овора қилишнинг, миллатнинг оғзидаги ошни чиқитга чиқаришнинг инсоният тарихидаги тенгсиз тимсоли бўлиб қолди. Шундай қилиб халқнинг қўлидаги пулларни кундузнинг қунида тунашнинг методикаси ўлароқ бу жиноят ёхуд Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек халқи бошида ўтказган мудҳиш амалиёти, “Ўзбек модели”нинг бош режаси мақомига кўтарилди. Тадбиркорлар ва фермерларнинг қуруқ номлари қолиб, ўзлари ёппасига қулларга айлантирилдилар. Шўроларнинг охуридан нишхўрд еб ўрганган колхозчилар ночор қолганлари боис, гуррос-гуррос бўлиб Россияга иш қидириб кета бошладилар. Ҳақ-хуқуқларини талаб қила олмасликлари, шижоатнинг йўқлиги уларни ёппасига дарбадарга айлантирди.

Разолат ва жаҳолатнинг тантанасини англаган зиёлиларнинг аксари юзсизларча мол-дунё, шон-шухрат илинжида, ўзларини “Ўзбек модели”нинг эҳтиёт қисмларига айлантирдилар. Улар ўз халқининг виждони, ўтмиши ва келажаги эканларини ўйламадилар ҳам. Президентга мадоҳлик қилиб, ундан тиланчи каби эҳсон кутдилар. Ўлим машинасини ҳаракатга келтириш учун тарих ва келажакка заҳарли ўқ бўлиб отилдилар. Бугун англадилар-ки, биргина Аллоҳдан ўзгасидан марҳамат кутиб бўлмас экан. Қолган барчаси, ўткунчи экан...

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Кўнглидаги ишлар бўлаётган президентни Шавкат Мирзиёевнинг “ғалабалари” беҳад руҳлантириб юборди. У ёш ҳокимдан янги ташаббуслар кўтаришни талаб қила бошлади.

Ҳоким Тўра бошлиқ хусусий молиячиларини йиғиб, “Ўзбек модели” ғояси асосида, улардан мамлакат хазинасини қандай қилиб ўмаришнинг режасини тузиб чиқишни сўради. Айни соатларда, янгидан-янги таклифлар туша бошлади. Шулардан, олтмиш кун ичида пахтани экиб-тикиб, ҳосилни йиғиштириб олиш ғояси Шавкат Мирзиёевга ёқиб тушди. У янгиликни дастурхон қилиш учун оёғини қўлтиғига қисиб, пойтахтга президент хузурига чопти. Эшитиб беихтиёр тўлқинланиб кетган Каримов ҳозирок иш бошлаш учун қанча маблағ лозимлигини сўради. Республика буюждининг атиги 13 фоизи етарли эканини маъқуллаган Шавкат Мирзиёев бу йил кеч бўлганини билдириб, бу ишни келаси йилдан бошламоқчилигини айтди.

Йўқ, деди, бармоқ букиб биринчи сентябрғача неча кун қолганини ҳисоблаб чиққан президент. Мустақиллик байрамига эллик икки кун қолипти. Бугуноқ, 10 гектар ерга синов тариқасида пахта экиб, байрам нишонладиган кун пахта ҳосилини топширасан. Олтмиш кунда пишиб етиладиган пахта, эллик икки кунда ҳам пишиб етилади. Хўп, бўлади, командир деб, Шавкат Мирзиёев кўксини ғоз тутиб, “чест” берди, қарши гапирса бошида телефон аппарати синиши мумкинлигини пайкаб. Подшо амри вожиб, сиз айтганингиздан кейин қанақа пахта эканки, у эллик икки кунда очилмаса...

Путиннинг отасига минг раҳмат, аммо, деди, юраги фахрифтхорга тўлган Каримов. У сени менга топиб бермаганда, қаланғи-қасанғилар билан синган телефон аппаратларни тузатишдан бошим чиқмасди...

Шавкат вилоятга қайтиб, Уч тепа туманидан ўн гектар пахтаги гуркираган далани синов участкасига ажратди. Унинг айнан, шу жойдан ер танлаганининг сабаби бор эди. Даланинг чеккасида Каримов билан етимхонада ўсган яна бир етим кўзи яшарди. Етим кўзи ўртоғи Абдикримбой президент бўлганидан буён, пайдар-пай мактуб битиб, у билан учраша

олмасдан, дод-вой қилиб вилоят ҳокимининг олдига қатнагани-қатнаган эди. Хатларнинг президентгача етиб бормаслигини, бунақа хатларга зарур бўлганда МХХи бошлиғининг буйруғи билан президентнинг матбуот котиби Шайтонмуроднинг жавоб ёзишини, Шавкат Мирзиёев яхши биларди.

Буюждининг 13 фоизини ўмариб, Тўранинг ертўласига жойлаган Шавкат Мирзиёев Мустақиллик байрамига икки ҳафта қолганда, енг шимариб ишга киришди. У Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги қолган-қутган қолхозчи ва омади чопмаган мардикорларни синов участкаси атрофига йиғиб, ғазаб тўнини кийди. Минглаган қолхозчилар ва мардикорларнинг ҳар бирининг бошига иккитадан хавфсизлик ташкилоти вакилидан назоратчи тайинлаб, уларни кеча-кундуз кўзини очирмай оғир меҳнатга тутти. Қолхозчилар ва мардикорлар аввалида, ҳар бир ғўзанинг барглари ва кўсақларини қайчилаб чиқтилар. Кейин бутун вилоят ҳудудларидан, лўппи-лўппи бўлиб очилган пахталарни чаноғи билан қирқиб келтириб, ҳар бир бутага 120 тадан қилиб улаб, ёпиштира бошладилар. Бу иш учун беш тонна скоч билан уч тонна елим сарфланди. Оқибатида, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги ўқув қуроллари билан олди-сотти қиладиган савдо дўконлари касодга учради. Молининг пули қайтмаган сотувчилар юрак хуружига учраб, тўсатдан ўла бошладилар.

Баробарида, Шавкат Мирзиёев етим кўзига ғамхўрлик қилишни ҳам унутмади. Унинг уйи атрофларига “Совпласитал”дан келтиртириб, мевалари ғарқ пишиб турган тропик дархатлар ўтқаздирди. Ота-оналари Россияга иш излаб кетгач, кўчада қаровсиз қолиб кетган юз чоғли болачаларни ушлатиб келтиртириб, уларни маймунга ўхшатиб кийинтириб, дархатларнинг шоҳларига қўйиб юборди. Ҳожибой Тожибой айтган, қишлагани шимол юртларга учиб кетмаган қарғаларга ҳар хил тўтиларнинг либосларини кийдириб, тўрқовокларга солдириб қўйди. Етим кўзининг хизматига учта ошпаз тайинлаб, уни орқасидан ҳам, олдидан тиктириб, бўрдоқига боқиётган новвос сингари боқтирди. Кўзлари киртайиб, зўрға юрадиган етим кўзи семириб, охириги кунларда одамбашара бўлиб қолди.

Орзиқиб қутилган кун етди.

Мустақиллик байрами тантаналари бошланишидан олдин, президент Каримов тажриба участкасига учиб келди. Унинг кўзлари Қора денгизнинг оппоқ кўпиклари каби тўлқинланиб ётган пахта даласига тушар экан: Офари-ин! – деб юборди, кўзларини қисиб. Бўлар экан-ку! Қадингни ур, Мирзиёев болам. Путин бўлмаганда, бир-биримизни кашф этолмасдан ўтиб кетар эканмиз.

Тошкетдай жойдан босиб келган қадамларингизга, ҳасонотлар, деди, нима дейишни билмаган Шавкат Мирзиёев. Борингизга, шуқр. Сиздан бошқа ақллироғи президент бўлганда, нима қилардим?

Ўшанда ҳам, бир нималарни ўйлаб топардинг, деди оппоқ кўпириб ётган даладан кўз узолмай, президент. Пахтанинг япроғи қани?

Шунақа навини ўйлаб топдик, – деди Шавкат. Бу нав барг ўрнига ҳам пахта беради...

Президент томонидан, “Эллик икки кунлик бабақа жўжа” деб номланган янги нав “Ўзбек модели”нинг галдаги ғалабаси сифатида, тўғридан-тўғри жонли эфирга узатиларди.

Микрофонни кўрса, афюнни кўрган бедана каби пиппиллик отадиган президент, Шавкатни ерда-осмонда қўймай, мақтай кетди. Биз кимларларнинг болаларимиз, деди у. Ота-боболаримиз илм-фанда, дунёни оламни лол қилган. Нима деганда, ватан менга нима берди, деб эмас, мен ватанга нима бердим, деб яшаш керак, барака топкурлар. Вертикал дунё бутун ер юзини ўргимчак тўридек ўраб олган бир замонда, кўриб-билиб туриб унга қарши чиқиш, аҳмоқлик эмасми, ахир? Ғаламислар бунини, қаердан тушунадилар? Ундан фойдаланишнинг енги усулларни топишимиз керак. “Ўзбек моделини” яратган халқ учун вертикал дунёни горизантал дунёга айлантиришнинг қийин жиҳати йўқ. Бу гапларни англаш учун ақли бош зарур. Боши йўқ одамнинг ақли бўлгани билан бу гапларни тушунмаслигини, мен яхши биламан...

(Давоми бор)
Эргаш Сулаймон

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt
Мухаррир: Замир Малик